



Farg'onaazot
aksiyadorlik jamiyati

fargonaazot_uz

AO Farg'onaazot

www.azot.uz

info@azot.uz

fargonaazot.uz

t.me/fargona_azot

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

Kimyogar

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Gazeta 1979 yil yanvar oyidan chiqib boshlagan.

№ 6 (1694) 2021-yil, 29-iyun.

БИР ЖИНОЯТ ИЗИДАН



2 бет.

ОТВАЖНЫЕ ЛЮДИ НЕ БОЯТСЯ ТРУДНОСТЕЙ



3 стр.



Ответственность за свое слово сегодня — это отличительная черта настоящего журналиста

4 стр.

ВИЛОЯТИМИЗ ВА КОРХОНАМИЗДА “ЁШЛАР ОЙЛИГИ” КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан июнь ойи давомида республикамизнинг барча ҳудудларда «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шиори остида «Ёшлар ойлиги» доирасида фестиваллар, турли танловлар, интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Вилоятимизда ҳам шундай мақсадли тадбирлар юқори савияда ташкил этилмоқда.



20 июнь кuni Ислон Каримов номидаги Фарғона вилоят Театр-концерт саройида “Ҳоким ва ёшлар учрашуви” бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шавкат Заъиддинов ҳам иштирок этди. Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган талаба ёшлари билан учрашув аввалида ёшларга оид давлат сибсатига тўхталиб ўтди.

Вилоятда ёшларни қўллаб-қувватлаш, пухта билим олишлари ва мукамал касб-хунар эгаллашлари, иқтидор ва истеъдодларини рўёбга чиқариши учун имкониятлар яратиб бериш, бандлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар самарали олиб боришда, деди ҳоким. Кейинги йилларда салмоқли ютуқларга қанчалик кўп эришилган бўлмасин, амалга оширилган лозим бўлган муҳим масалалар, истиқболли лойиҳалар олдинда турибди.

Вилоят ҳокими соҳадаги камчилик ва муаммоларга ҳам қисқача тўхталиб ўтди. Энг муҳими, ёшларимиз тўғри йўлдан адашмасликлари, интернет сайтларидаги ахборот хуружларига маънавий-маърифий билим-савиялари билан жавоб беришлари лозимлигини таъкидлади.

Учрашувда ёшлар ўз тақлифлари билан вилоят ҳокимига мурожаат қилдилар. Улар вилоят хунармандчилиги аъёнларини кенгайтириш, туризмни янада риволантириш, IT дастурчиларини кўпайтириш, тиббиёт соҳасида

секторлар ташкил этиш, “Уста — шоғирд” аъёнасини давом эттириш, шу жумладан, устозларга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини ошириш каби масалаларда ўз тақлифларини билдирдилар.

Фестиваль доирасида санъат саройининг очик майдонида республикамизнинг таниқли, хушовоз хонандалари иштирокида гала-концерт дастури бўлиб ўтди. Фестивалда корхонамиз ёшлари ҳам фаол иштирок этди. Бунга мисол қилиб, “Заковат” интеллектуал ўйинида “Farg'onaazot” акциядорлик жамиятининг “Менделеевчилар” ва “Ёшлар” жамоалари фаол қатнашганини айтиб ўтиш лозим. “Менделеевчилар” жамоаси уч марта ғолибликни кўлга киритди. Бу тахсинга лойиқ, албатта. Бундан ташқари, фестивалда корхонамизнинг Аммиаки селитра цехи ходимлари эртак қаҳрамонлари тимсолидаги кўргазмалари билан иштирок этдилар.

18-26 июнга қадар корхонамиз Ёшлар иттифоқи Кенгаши томонидан “Ёшлар ойлиги” доирасида “Ёшлар ҳафталиги”га старт берилган эди. Бунга асосан, ёшлар ўртасида мини-футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Турнир юқори савияда ташкилланиб, корхона бошқармалари, бўлимлари ва цехларидан 22 та жамоа майдонга тушди. Беллашувнинг ярим финалига Сода ишлаб чиқариш цехи, Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш хизмати, Целлюлозанинг мураккаб эфирлар цехи ва Тазмирлаш-механика цехи жамоалари чиқди. Финалда эса Тазмирлаш-механика цехи ва Ҳарбийлаштирилган



кўриқлаш хизмати жамоалари ғолиблик учун тўп сурдилар. Уйнинг асосий вақтида 2:2 ҳисоби қайд этилди. Ғолибни аниқлаш учун пенальтилар белгиланди. Унга кўра 2:1 ҳисоби билан Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш хизмати жамоаси зафар кучди. 3-ўринни Сода ишлаб чиқариш цехи жамоаси эгаллади. Шунингдек, ҳафта давомида психолог иштирокида “Инсоннинг ўзига ишончи ва жамоавий ишлаш усуллари” мавзусида семинар

тренинги, корхона раҳбари ва ёшлар учрашуви, “Заковат” интеллектуал ўйини, “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ёшлар гала-концерти ўтказилди.

“Раҳбар ва ёшлар учрашуви” жамиятимизнинг мажлислар залида ёшларнинг тақлифларини ва саволларини ўрганиш, муаммоларини кўриб чиқиш ҳамда иш фаолиятлари, жамоатчилик ишларида жонбозлик кўрсатаётган ёш ходимларимизни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди. Учрашувда 52 нафар ёшлар иттифоқи Кенгаши аъзоларидан фаол ёшлар, жамиятимиз ва Давлатимиз ҳаётида самарали меҳнат қилиб фидойилик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоян этган, ўз фаоллиги, ташаббускорлиги билан барчага намуна кўрсатган корхона ёшлари “30 июнь — Ёшлар кuni” муносабати билан ташаккурномалар ҳамда қимматбахо совғалар билан тақдирландилар.

бўлими” жамоаси ва учунчи ўринни “Иқтисодий таҳлил” жамоалари эгалладилар.

“Ёшлар ҳафталиги” 26 июнь кuni “Kimyogar” ёшлар маданият боғида бўлиб ўтган гала-концерт дастури билан якунланди. Унда “Ёшлар ҳафтаси” доирасида ўтказилган тадбир ва мусобақаларда юқори ўринлар эгаллаган корхонамиз ёшлари тақдирланадилар. Гала концертта корхонамиз раҳбарлари ҳамда Фарғона шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Бобурбек Мўминив ташриф буюрдилар.

Барчангизни эришган ютуқларингиз билан муборакбод этаман! Сизларни кўриб “Farg'onaazot” акциядорлик жамиятининг Ёшлар иттифоқи кенгашида юритган иш фаолиятимиз ёдимга тушиб тўлқинланиб кетдим. Корхона ёшлари доим фаоллиги билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам корхонамиз Республикамиз бўйича илгор ташкилотлардан бири ҳисобланади.

“Заковат” интеллектуал ўйини корхонамиз ёшларнинг билим салоҳияти ва даражасини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш мақсадида, 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида бўлиб ўтди. Уйин корхонамиз янги бошқармасининг очик майдонида бўлиб ўтди. Беллашувда корхонамиз цех ва бўлимлари ходимларидан ташкил топган жамоалар қатнашди. «Заковат» интеллектуал ўйинида биринчи ўринни “Ёшлар” жамоаси, иккинчи ўринни “Ишлаб чиқариш

Биз сизлар билан фахрланамиз. Фаолиятингизда омадлар, муваффақиятлар ёр бўлсин! — дейди Бобуржон Мўминов.

Гала-концерт Ўзбекистон Давлат филармонияси Фарғона вилоят бўлимининг таниқли, эл ардоғидаги хушовоз хонандалари куй-қўшиқлари ва рақс ансамбллари билан ўйинлари билан давом этди.

Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК”

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтириш ҳамда ёшларимиз орасида одоб-ахлоқни мустаҳкамлаш борасида мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Бежизга уч буюк қадрият — маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифатдир дейилмади.



Фарғона вилояти ҳокимининг 2021 йил 31 майдаги Фарғона вилояти Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилиши баёни ижроси юзасидан ҳамда “Маънавият фестивали” доирасида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиши ва ўтказиш юзасидан белгиланган чора тадбирлар дастуридан келиб чиқиб, “Farg'onaazot” акциядорлик жамиятининг мажлислар залида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Тадбирда Фарғона вилояти ҳокимлиги, республика Маънавият ва маърифат марказининг ишчи гуруҳи, аъзолари — Фарғона вилояти Маънавият ва маърифат маркази ходими Мақсаджон Маматқулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шохида Исмоилова, ИИВга қарашли академик лицей ўқувчиси Шерзоджон Турдубоев, фалсафа фанлар доктори, профессор Жамила Шермухамедова, педагогика фанлар доктори, профессор, психолог Шоирахон Исоқова иштирок этди. Сўзга чиққан фалсафа фанлар доктори, профессор Жамила Шермухамедова ёшлар, ҳалқимиз орасида кўтарилётган муаммолар, жамиятимизда маънавиятнинг ўрни, оила қадри, ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш, китоб ўқиш афзалликлари, оилада ота-онанинг ўрни, болалар тарбияси ҳақида гапириб ўтди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шохида Исмоилованинг юртимиз таърифи, аёллар тўғрисидаги таъсирли шеърлари барчаннинг кўнглида ширин туйғулар уйғотди. Педагогика фанлар доктори, профессор Шоирахон Исоқова сўнги йилларда ажримлар сонининг ошиб кетгани, бунинг сабаблари, миллий менталитетимизга хос одатлари масалалари тўғрисида фикрлар билдирди.

Тадбир сўнггида савол-жавоблар бўлиб ўтди. Корхона бошқаруви раиси Абдупатто Салижанов меҳонларга ўз миннатдорчилиги билдирар экан, тадбир мароқли ўтганини таъкидлади.

Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.



ФАН, САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАРАЖАСИ

“Farg'onaazot” акциядорлик жамиятида “Фан, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликнинг янги даражаси” номи илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинар ишлаб чиқарилаётган оммавий, сўнги йилларда ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган ҳамда ўзлаштирилиши режалаштирилган маҳсулотлар, корхонада амалга оширилаётган ислохотлар билан кластерлар, фермер хўжаликлари раҳбарларини ҳамда тадбиркорларни яқиндан таништириш мақсадида ташкилланди. Илмий-амалий семинар аввалида корхонада ишлаб

чиқарилаётган янги турдаги маҳсулотлар тақдими билан ўтказилди. Семинарни очган “Farg'onaazot” акциядорлик жамияти бошқарув раиси Абдупатто Салижанов ишлаб чиқариш жараёнлари, ислохотлар ва корхона фаолияти тўғрисида гапириб ўтди. Шунингдек, бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган одилонга сиёсат, қабул қилаётган фармон ва қарорлар ҳудудлари ижтимоий-

иқтисодий ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражасини оширишга кенг замин яратётганини, кенг қўламадаги ислохотлар дунёнинг нуфузли ташкилотлари томонидан муносиб баҳоланаётганини таъкидлади. Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Умидулло Миллабоев ишлаб чиқариш, янги маҳсулотлар устида олиб борилаётган амалий ишлар, уларнинг самараси ҳақида маълумотлар бериб ўтди.

(Давоми 2-бетда)

“FARG'ONAAZOT” AJ



ФАН, САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАРАЖАСИ

(Бошланиши 1-бетда).



— "Farg'onaazot" акциядорлик жамияти нафақат Фарғона водийсида, балки, Ўзбекистонда энг йирик ишлаб чиқариш корхоналардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда корхонада амалга оширилган ислохотлар, модернизация натижасида саноат кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича бир қатор самарадорликка эришилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди. Корхона бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Умидулло Исмагуллаевчи пандемия сабабли карантин чекловлари ўрнатилишига қарамастан, жамиятда ўтган давр давомида деярли барча соҳаларда икτισодий кўрсаткичлар яхшилانгани, белгиланган режала ошириб бажарилганини айтиб ўтди. 2021 йилнинг январь-май ойлари бўйича маҳсулотларнинг

ишлаб чиқарилиши, экспорт, маҳаллийлаштириш кўрсаткичлари билан семинар иштирокчиларини таништириб ўтди. Илмий-амалий семинарда олий таълим муассасалари олимлари томонидан втдео тақдимотлар намойиш этилди. Савол-жавоблар бўлиб ўтди. Иштирокчилар жамият илмий-инновациялар маркази фаолияти билан яқиндан танишилди, марказнинг ёш олимлари билан суҳбат курдилар. Иштирокчилар сўнгги йилларида барча соҳаларда бўлгани каби «Farg'onaazot» акциядорлик жамиятида ҳам туб ислохотлар амалга оширилаётгани, қисқа даврда жаҳон стандартларига жавоб берадиган техника ва технологияларга эришилгани ва юқори даражали маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганига гувоҳи бўлдилар. Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг асосий вазифаларига жамоат ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини террорчилик таҳдидларидан, жиноий ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш, ўта муҳим тоифаланган объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлаш, шаҳарлар ва аҳоли пунктларида жамоат тартиби ва хавфсизлиқнинг сақланишини таъминлашда кўмаклашиш, хорижий давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва мудофаасини таъминлашда иштирок этиш, табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда кўмаклашиш ва хорижий давлатларнинг расмий вакиллари кутиб олиш ва кузатишда юксак даражадаги маросим тадбирларини таъминлаш киради.

ВАТАНИМ, СЕНИНГ МАРД ЎҒЛОНЛАРИНГ БОР!

Ш

уни таъкидлаб ўтиш жоизки, бу касб эгалари доворак, жасур, матонатли, ақлан ва жисмонан соғлом бўлишлари шарт. Миллий гвардия ҳодимлари сафига шу мезонларга таянган ҳолда ишга қабул қилинади. Уларнинг елкаларига, қисқа қилиб айтганда, миллат манфаатларини ҳимоя қилишдек оғир ва масъулиятли вазифа юклатилган. Фарҳоджон Неъматжонов миллий гвардия қўриқлаш хизмати биринчи алоҳида батальони сафдор ҳодими сифатида мустақил Ватанимизнинг шундай ўғлонларидан биридир. У ҳозирда ўта муҳим тоифаланган объект ҳисобланган "Farg'onaazot" акциядорлик жамиятини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифада хиз-

мат қилмоқда. Фарҳоджон оддий ишчи оиласида 1993 йилда таваллуд топган. Ёшлигидан спортнинг қўл жанги тури билан жиддий шугулланган. Турли мусобақаларда иштирок этган. 2016 йилда қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпионатида ғолибликни қўлга киритган. Улғайган сари катта марраларни кўзлай бошлаган Фарҳоджон 2017 йилда

ички ишлар бошқармасида хизмат фаолиятини бошлади. 2019 йилда ички ишлар бошқармаси миллий гвардия тизимига ишга ўтгани баробарида, спорт билан мунтазам шугулланиши давом эттириб, вилоят ва республика миқёсидаги нуфузли мусобақаларда қатор ютуқларга эришди. 2019-2020 йилларда вилоят бўйича беллашувларда ғолибликни



қўйганман. Ўйламанки бу мақсадим амалга ошди. Шу ўринда, юртдош ёшларимизга шуни айтиб ўтмоқчиманки, Ватанимиз келажаги бизнинг кўлимизда эканлигини, уни ҳимоя қилиш, кўз қорачиғимиздек асраш фарзандлик бурч эканини ёдда сақлашимиз жоиз. Юртбошимиз, ота-онамизнинг ишончларини оқлаб, уларнинг таяничи бўлиш бизнинг асосий вазифамиз, дейди Миллий гвардия қўриқлаш хизмати биринчи алоҳида батальони сафдор

ҳодими Фарҳоджон Неъматжонов. Дарҳақиқат, Ўзбекистонимизни асраб-авайлашимиз, уни ташки ёвуз кучлардан, таҳдидлардан асрашимиз нафақат мамлакатимиз йигитлари, балки, юртимизнинг барча фарзандлари зиммасидаги вазифа ҳисобланади. Шундай экан, ҳар биримиз ўз оиламиз, тугилиш ўсган ери-мизга содиқ қолайлик. Зеро, бутун жаҳон Ўзбекистоннинг мард, жасур ўғил-қизлари борлигига амин бўلسин. Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛЕНИШДА ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛДИ

Маълумки, бугунги кунда аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими ислоҳ қилиниб, бу борадаги ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда, шунингдек қоғоз кўринишидаги айрим хўжатларни электрон тизим орқали олиш имконияти яратилиб келинмоқда.

У

шбу ислохотларнинг мантйқий давоми сифатида жорий йилнинг 23 мартида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармон билан 2021 йил 1 июндан бошлаб давлат органлари, хўжалик бирлашмалари,

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан кўйилган хўжатлар ва фактларни тасдиқловчи хўжатларни талаб қилиш бекор қилинди. Хусусан, фуқарон руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги; наркология бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги; судланганлиги; манзил-маълумот ахбороти; фуқаронинг номида шахсий уй-жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

турар жойнинг майдони; солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги; солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилганлиги; пенсия ва нафақа миқдори; пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги; никоҳ қайд этилганлиги; никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги; шахси тасдиқловчи хўжатнинг нусхаси; шахсининг белгиланган шаклда

ги фотосурати; тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг маълумотномалари; меҳнат дафтарчалари ва уларнинг нусхалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу хўжатни "Ягона миллий меҳнат тизими" идораларо дастурий аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно); иш ҳақи ва иш стажини, олий ва ўрта махсус таълим муассасида ўқиганлиги тасдиқловчи архив маълумотномалари (фуқароларга

пенсия тайинлаш жараёнида ушбу хўжатни "Ягона миллий меҳнат тизими" идораларо дастурий аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно); кадастр хўжатлари ва уларнинг нусхалари. Давлат органлари ва ташкилотлари жисмоний шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда, ишга қабул қилиш жараёнида ва бошқа маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда юқорида кўрсатиб ўтилган хўжат ва маълумотларни тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан "Электрон ҳуқумат" тизими идораларо интеграциялашув платформаси орқали сўраб оладилар. Шунингдек, мазкур фармон билан кўрсатишнинг давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик хўжатлари талабларини бузиш деб ҳисоблангани белгиланди. ДҲА Фарғона вилоят бошқармаси ахборот хизмати.

"FARG'ONAAZOT" АЖ ИШЧИ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Дмитрий Иванович Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети Тошкент филиали жорий йилнинг 19 июндан 13 июлга қадар кимё технологияси, техносфера хавфсизлиги, материалшунослик ва материаллар технологияси, материалларга бадиий ишлов бериш йўналишлари бўйича абитуриентларни ўқишга қабул қилади. Нуфузли олий ўқув юртида таълим олиш истагини билдирган ҳодимлар университетга хўжат топширишлари мумкин. Ёслатиб ўтамиз, университет кимё технология йўналиши бўйича 125 нафар, техносфера хавфсизлиги, материалшунослик ва материаллар технологияси, материалларга бадиий ишлов бериш йўналиши бўйича 25 нафардан абитуриент қабул қилади. Филиалда республиканинг саноат тармоқларидаги муҳим илмий-технологик вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган кўкубузарликлар тўғрисида бошқарув раисининг ва бошқарув раисининг ўринбосарлари қабул қилнади «Farg'onaazot» акциядорлик жамияти жисмоний ва юридик шахсларнинг қабулхонасига мурожаат қилиши мумкин. Бундан ташқари, офис-менеджер орқали ёзма равишда, ёки электрон шаклда «Farg'onaazot» АЖ расмий веб-сайтига мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, шуни маълум қиламизки «Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг алоқа каналлари орқали олинган маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тўғрисидаги Низомига мувофиқ: Жамият ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилади ва бу қондаларга мувофиқ шубҳали хатти-ҳаракатлар ёки мумкин бўлган қонунбузарликларни виждонан хабар қилган ходимларга қарши ишдан бўшатилиш, таъқириш, камситиш, таъқириш каби таъқирибларга йўл қўймаслигини кафолатлайди. Шу билан бирга - Била туриб ёлгон, тўхмат қилиб, асосиз бўлган маълумотлар берилса у ҳолда Низомнинг талаблари бузилиш ҳолатлари ва ахлоқсиз хатти ҳаракат сифатида қаралиб, бундай хабарни тақдим этган ходим Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички норматив хўжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин"лиги тўғрисида маълум қиламиз.

«Farg'onaazot» АЖ ходимларига маълумот учун:

Эгаллаб турган лавозимидан катъий назар, барча ходимлар Жамиятнинг фаолиятига оид барча мавжуд бўлган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида бошқарув раисининг ва бошқарув раисининг ўринбосарлари қабул қилнади «Farg'onaazot» акциядорлик жамияти жисмоний ва юридик шахсларнинг қабулхонасига мурожаат қилиши мумкин. Бундан ташқари, офис-менеджер орқали ёзма равишда, ёки электрон шаклда «Farg'onaazot» АЖ расмий веб-сайтига мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, шуни маълум қиламизки «Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг алоқа каналлари орқали олинган маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тўғрисидаги Низомига мувофиқ: Жамият ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилади ва бу қондаларга мувофиқ шубҳали хатти-ҳаракатлар ёки мумкин бўлган қонунбузарликларни виждонан хабар қилган ходимларга қарши ишдан бўшатилиш, таъқириш, камситиш, таъқириш каби таъқирибларга йўл қўймаслигини кафолатлайди. Шу билан бирга - Била туриб ёлгон, тўхмат қилиб, асосиз бўлган маълумотлар берилса у ҳолда Низомнинг талаблари бузилиш ҳолатлари ва ахлоқсиз хатти ҳаракат сифатида қаралиб, бундай хабарни тақдим этган ходим Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички норматив хўжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин"лиги тўғрисида маълум қиламиз.

ДИҚҚАТ ЭЪЛОН!

Фарғона шаҳрида муқаддам амалга оширилган бузишга тушган хондон фойдаланувчилари (мулкдорлари)ни белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаш юзасидан, Фарғона шаҳар ҳокимлиги зиммасига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, апелляция судлов хайъати ҳамда биринчи босқич судлари томонидан уй-жой билан таъминлаш тўғрисидаги суд тартибиде мажбурият юклатилган ижро варақаларини ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида, Давлат уй-жой фонди тасарруфига хусусий хондонлардан белгиланган тартибда баҳолатилиб, хўжатлаштирилган ҳолда сотиб олиш юзасидан ички танлов эълон қилинаётганилиги маълум қилинади. Фағона шаҳар ҳокимлиги уй жой бўлими.



БИР ЖИНОЯТ ИЗИДАН

"Farg'onaazot" акциядорлик жамиятида "Қиргули" темир йўл станциясида содир бўлган ўғирлик, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик, коррупцияга қарши курашиш меъёрий хўжатларини тушунтириш бўйича тренинг йиғилиши бўлиб ўтди.

М

азкур тадбирда Фарғона транспорт прокуровори, адлия маслаҳатчиси Илхомжон Акбаров, Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси Транспортда хавфсизлиқни таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Мақсоджон Эгамбердиев, биринчи ўринбосари, майор Абборжон Хожикабаров, бошқарма Марғилон ҳамда Охунбобоев бўлинмалари бошлиқлари таъриф буюрди. Ийгилиш давомида ўғирликнинг келиб чиқиш сабаблари атрофида кўриб чиқилди. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш тўғрисида тақлифлар билдирилди. "Farg'onaazot" АЖ идора-вий харбийлаштирилган қўриқлаш бўлими бошлиғи Абдуваали Хамраев етказиб берилаётган маҳсулотни қўриқлаш бўйича тақлиф-

ларини жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқани кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари Умидулло Миллабоев қўллаб-қувватлади ва келажакда маҳсулотни юбориш ва ортишда бу тақлифлар қўриб чиқилишини билдирди. Тадбир давомида комплаенс назорат хизмати бошлиғи Ғофуржон Жаббаров корруп-

цияга қарши кураш соҳасида тасдиқланган ички меъёрий хўжатларини йиғилиш қатнашчиларига тушунтириш бўйича тренинг олиб борди. Шу билан бирга, корхонада содир этилган жиноятлар оқибати, бунга қўл урган шахс коррупцияга қарши кураш бўйича ички меъёрий хўжатларга асосан жазосиз қолмаслигини таъкидлаб ўтди. Тренинга иштирокчи ходимлар саволлари-га тўлақонли жавоблар қайтарилди, тақлиф ва фикрлар эшитилди. Келажакда салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича корхона ва ҳуқуқни муҳофиза қилиш идоралари билан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.

"FARG'ONAAZOT" ЁШЛАРИ "ЖАМОАСИ "МУНОЗАРА" ТУРНИРИДА ВИЛОЯТИМИЗ БЎЙИЧА ҒАЛАБАНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ



Мамлакатимизнинг барча вилоят, туман, шаҳарларида "Ёшлар ойлари" ўтказилаётганлиги барчамизга маълумдир. "Ёшлар ойлари" доирасида вилоятимизда "Мунозара" турнири бўлиб ўтди.

Турнирда вилоятимиз уюшмаган ёшлари, олий ва ўрта таълим муассасалари талабалари, ташкилот ёшларидан ташкил топган 10 та жамоа қатнашди. "Мунозара"да ёш ходимларимиз "Farg'onaazot ёшлари" жамоаси номи билан иштирок этди. Жамоа таркибидеги Марказий кимё лабораторияси лаборантлари Зебунисо Ҳамдамова, Равшаной Исмагуллаева, Қоп ишлаб чиқариш цехи машинисти Абдулазиз Абдураулов юқори натижага эришиб, ғолибликни қўлга киритдилар. Жамоа диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. "Farg'onaazot" АЖ матбуот хизмати.

"FARG'ONAAZOT" АЖДА КИТОБ ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

"Ёшларни китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтиришга, уларнинг китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим". Ш.М.МИРЗИЁЕВ.



Маънавий озук олишнинг, чин инсон бўлиб етишишнинг биринчи қадамидир китоб ўқиш. Китоб муролааси ҳисобланади. Инсон камолоти ва билимининг манбаи китоб билан боғлиқ. У инсонни қилмиш сари етаклайди. Дарҳақиқат, бу маънавий сарчашма фарзандларимизнинг дунёқарошини бойитида, нутқини ўстириб, хотирасини мустаҳкамлайди. Китоб маслаҳатчи, садоқатли ҳамроҳ, энг яқин дўст ва бебаҳо бойлиқдир. Фарзандларимиз тарбиясида унинг ўрни жуда ҳам муҳим. Миллатнинг маънавий-руҳий дунёсини китобга муносабати, китобхонлик даражасига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз эришган бетақдор ютуқларнинг сабаби ҳам китоб муролаасидир. Шу боис, юртимизда аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Албатта, "Farg'onaazot" акциядорлик жамияти ҳам бундан мустасно эмас. Корхонада ишчи-ходимлар орасида китобхонликни тарғиб қилиш, ёшларимизни билим даражасини ва уларда

одамийлик, эзгулик, меҳроқибат, Ватанга садоқат туйғуларини янада ошириш мақсадида кўлаб тарихот ишлари, кўрик-танловлар ва тадбирлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, ходимларимиз фойдаланишлари учун корхонанинг биринчи саноат участкаси ҳудудида жойлашган фонди 68 мингдан ортиқ бўлган кутубхона, биринчи, иккинчи ва учинчи саноат майдонларида ўрнатилган электрон кутубхоналар ташкилланган. Буларнинг барчаси корхонада китобхонликка бўлган эътибор юқори даражада эканлигини кўрсатиб турибди. Жорий йилнинг 9-10 июн кунлари корхонамизда "Намунали китобхон раҳбар" акцияси доирасида "Кутубхонага китоб совға қиламан" лойиҳаси амалга оширилди, биринчи ва иккинчи саноат майдонлари ҳудудларида "Китоб олами" МЧЖ билан ҳамкорликда китоб ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада ишчи-ходимларимиз турли бадиий адабиётлар, ўзбек ва дунёга машҳур адибларнинг дурдона асарлари, болалар учун эртак китобларини сотиб олдилар. Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.



ОТВАЖНЫЕ ЛЮДИ НЕ БОЯТСЯ ТРУДНОСТЕЙ

«Мы уделим особое внимание обучению наших юношей и девушек современным востребованным профессиям, формированию у них трудолюбия и предпринимательских навыков, а также реализации их инициатив, обеспечению работой и жильем. Словом, будет создана целостная и непрерывная система, при которой с момента рождения до достижения 30 лет молодому человеку будет оказываться всесторонняя поддержка и помощь, чтобы он мог занять достойное место в жизни».
Президент Республики Узбекистан

Ш. М. МИРЗИЁЕВ.

Герой нашего сегодняшнего интервью - Исламбек Азимжонов, стрелок Военизированной охраны АО «Farg'onaazot». Он рассказал нашему корреспонденту о своей работе и поделился мечтами и планами на будущее.

-Расскажите, пожалуйста, немного о себе?

-Я родился в обычной семье: отец - предприниматель, мать домохозяйка. С юношеских лет ходил в различные спортивные кружки по причине того, что меня всегда интересовали силовые виды спорта. Родители определили меня в секцию классической борьбы. Спорт привил мне трудолюбие, упорство в достижении поставленных целей. После школы пошел служить в армию. С мая 2016 года работаю стрелком в военизированной охране.

-Задачи, возложенные на ВОХР, - серьезные, поэтому работа в этом подразделении накладывает определенную ответственность. Скажите, чем мотивирован выбор вами именно этой профессии?

-С детских лет у меня обостренное чувство справедливости. Своей основной задачей вижу укрепление дисциплины, предотвращение краж. Считаю, что нельзя злоупотреблять доверием и посягать на имущество предприятия. Всё начинается с малого, поэтому нельзя смотретьнисходительно на факты мелких краж, ведь любое зло должно быть наказано.

-Как известно, 2021 год в стране объявлен «Годом поддержки молодежи и укрепления здоровья населения». Какими льготами пользуются и какие возможности созданы молодежи предприятия? И чем вас привлекает работа на предприятии?

-На нашем предприятии созданы все условия для самореализации молодых работников. Они направляются на курсы повышения квалификации, подготовки и переподготовки кадров. Для тех, кто хочет продолжить учёбу в ВУЗе, созданы курсы по химии, математике, иностранным языкам. Техническая библиотека нашего предприятия даёт возможность знакомиться с новинками литературы. Большое внимание у нас уделяется стимулированию одарённой молодёжи - с этой целью проводятся различного рода спортивные турниры и конкурсы.

-Скажите, а каких результатов вы добились в спорте?

-Занимаюсь дзюдо с 15 лет, неоднократно побеждал в первенстве области, а в республиканских соревнованиях, проходивших в 2018-2019 годах, занимал призовые места.

-Участвуете ли вы в деятельности Союза молодёжи?

-Стараюсь принимать участие во всех мероприятиях, проводимых первичной организацией Союза молодёжи предприятия. Активно участвовал в спортивных мероприятиях, прошедших в мае, июне месяцах этого года, а также в интеллектуальной игре «Заковат».

-Чем вы занимаетесь в свободное от работы время? Есть ли у вас хобби?

-Посещаю курсы английского и русского языков. Интересуюсь бизнесом, поэтому в свободное время стараюсь читать книги о психологии деловых людей, правилах ведения бизнеса.

-Какие ещё книги читаете? В чём, на ваш взгляд, преимущество обычных, то есть бумажных книг от электронных?

